

ИБН СИНОНИНГ ЖАҲОНДАГИ ЯНГИЧА ТИББИЁТ АСОСЧИСИ СИФАТИДАГИ КАШФИЁТЛАРИ

Усманова М.Б

*Самарқанд Давлат тиббиёт университети Пайариқ Абу Али Ибн Сино номли
жамоат саломатлиги техникуми*

Samanova Farida Mexrullayevna

Katta o'qituvchi

To'raqulov Ibrohim Shavkatovich

O'qituvchi

Аннотация: *Ибн Сино ўзининг ушбу асарида ушбу мутахассислик соҳасини ирим-сирим ва хурофотлардан тозалашга, касалликларни илмий тарзда ўрганиш, уларни аниқлаш учун экспериментал синовлар ва таҳлилларни амалга ошириш, касалликларни даволаш мақсадида шифобахш гиёҳлар ва уларнинг таркибларидан фойдаланиш орқали ўзининг тиббиёт соҳасидаги кашфиётлари ва янгиликларини тиббиёт ва фармацевтика соҳалари тадқиқотчилари ва талабалари эътиборига ҳавола қилишга уринган*

Калит сўзлар: *экспериментал, фармацевтика, клиник, синтез, профилактика, инфекция, педиатрия*

Ҳаким Ибн Сино жаҳон тиббиёти тарихидаги машҳур сиймолардан биридир. Унинг тиббиётга оид шоҳ асари «Тиб қонунлари» асари бўлиб, унда янгича тиббиёт асослари қўйиб берилган. У ўзининг ушбу асарида ушбу мутахассислик соҳасини ирим-сирим ва хурофотлардан тозалашга, касалликларни илмий тарзда ўрганиш, уларни аниқлаш учун экспериментал синовлар ва таҳлилларни амалга ошириш, касалликларни даволаш мақсадида шифобахш гиёҳлар ва уларнинг таркибларидан фойдаланиш орқали ўзининг тиббиёт соҳасидаги кашфиётлари ва янгиликларини тиббиёт ва фармацевтика соҳалари тадқиқотчилари ва талабалари эътиборига ҳавола қилишга уринган. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ўз даврининг тиббиёт фани соҳасидаги энг мукаммал қомуси сифатида ҳозирги кунга қадар ўн беш тилга таржима қилинган. Бир миллиондан ортиқ сўз ишлатилган ушбу асар тиббиёт тўғрисидаги умумий билимлар, алоҳида касалликлар, одам танаси аъзолари, одам танасининг умумий касалликлари, турли дори воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Абу Али ибн Сино ушбу асарда тиббиёт атамаларини яратиш, таърифлаш ва изоҳлашга катта эътибор берган, шунингдек ўрганиладиган соҳани мавзуларга бўлиш ва улардан ҳар бирини тавсифлашда ҳам мантиқий ва мақсадли усулни қўллаган. «Тиб қонунлари»ни Ибн Синонинг клиник экспериментлари ва кашфиётлари, Гален, Гиппократ ва Аристотелларнинг асарлари ва таълимотлари, Қадимги Эрон ва мусулмон ўлкалари табиблари асарлари

таркибидан иборат бир асар деб аташ мумкин. Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарини ёзишда тиббиёт фанига халақаро нуқтаи назардан ёндашгани, ўз даврида мавжуд бўлган барча тиббий билимларни бир жойга тўплаб, ўзига хос синтез яратгани кўзга ташланади. Ибн Сино ўз даврида машҳур бўлган ва бир-биридан фарқ қилувчи бир неча тиббиёт тизими, масалан, Юнонистон, Миср, Эрон, Ҳиндистон ва Хитой тиббиёт тизимларини кенг ва чуқур ўрганиш натижасида шу хулосага келдики, ушбу тизимларнинг барчаси, айрим юзаки тафовутларни ҳисобга олмаганда, бир хил мавзулар ва клиник реалликлар устида ишлаганлар. Табиб Ибн Синонинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг турли касалликлар тўғрисидаги клиник кузатувларидир. Тери ва ўпка касалликларидан тортиб асаб тизимидаги бузилишлару турли руҳий хасталикларгача, профилактидан тортиб фармацевтикагача бўлган мавзулар ушбу кузатувлар доирасига кирган. Абу Али ибн Синонинг ҳозирги тиббий асбоблар ва лабораториялар бўлмаган бир шароитда тиббиёт соҳасига киритган янгиликлари ҳайратланарли бўлиб, унинг мислсиз ақл-заковати ва истеъдодидан дарак беради. Бу эса барчамизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Унинг тиббиёт соҳасидаги айрим кашфиётлари ва янгиликларини қуйидаги шаклда таснифлаш мумкин:

1. Она сутининг гўдак учун энг яхши озуқа эканлигини исботлаб берган.
2. Тан ва руҳ саломатлигининг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда жисмоний ҳаракат ва спортнинг инсон саломатлигидаги ўрнини кўрсатиб берган.
3. Тоза маъданли сувнинг инсонлар соғлигидаги аҳамиятига урғу берган.
4. Гигиена, спорт, тоза ҳаводан нафас олиш, қуёшланиш ва сувни ичишдан олдин қайнатиш тўғрисида тўғри ва мукамал тавсиялар берган.
5. Тўғри овқатланиш, парҳез ва овқатланиш орқали даволанишга катта аҳамият берган.
6. Фасллар алмашинувининг турли касалликлар келиб чиқишидаги ўрнини аниқлаб берган.
7. Вабо каби юқумли касалликлар, шунингдек одамдан одамга ўтадиган инфекциялар, мавсумий ва фаслий касалликлар тўғрисида сўз юритган.
8. Болалар саломатлиги, касалликлари ва уларни даволаш тўғрисидаги билим – педиатриянинг асосчиларидан бири бўлган.
9. Сил касаллигининг уч босқичи ва уни даволаш усуллари тўғрисида мукамал маълумотлар берган.
10. Ич кетишини даволаш учун сут зардобини (молочная сыворотка) ва эчки сутидан қилинган пишлоқ истеъмол қилишни буюрган. Бу эса бугунги кунда ич кетишини даволаш учун сут кислота ва қуруқ сутларни истеъмол қилиш буюрилишига ўхшаб кетади.
11. Сил, қизамиқ ва чечак касалликларини яхши ўрганган ҳамда уларнинг сув ва ҳаво орқали юқишини кўрсатиб берган.

12. Жарроҳлик амалиётларида анестезия (оғриқсизлантириш)га аҳамият берган ва кесиш жойини спиртли эритма билан артган.

13. Биринчи бўлиб кесилган асаб толаларини тиккан. У кесилган жойларни тикиш учун от юнгидан фойдаланган.

14. Сийдик йўлидаги тошларни йўқотиш учун чарм қопланган метал стулга ўтиришни тавсия қилган.

15. Бўғимлар ва суякларни яхши ўрганган бўлиб, синган жойларни тузатишнинг самарали усулларини кашф қилган.

16. Инсон танаси ва унинг аъзоларини ўрганишга оид фан – анатомияни янада ривожлантириб, кўзнинг турли қисмларининг илк батафсил тавсифини яратган.

17. Мохов каби юқумли касалликни ўрганиб, тавсифлаган.

18. Ўлатнинг сичқонлар ва бошқа турли жониворлар орқали юқишини билган.

19. Руҳий касалликларни ўрганиш ва уларни даволаш усулларини ишлаб чиқишга эътибор берган, бу касалликка чалинганлар билан хушмуомала бўлишнинг аҳамиятига урғу берган.

20. Шифокорлардаги хуш кайфият ва хурсандчиликнинг касалларнинг даволанишидаги таъсирини аниқлаган.

Шунингдек, Абу Али ибн Сино йирик доришунос ҳам бўлиб, дориларни кимёвий усулда ҳамда доривор гиёҳлар асосида тайёрлашга катта аҳамият берган. У кўплаб ўсимликларни доривор ўсимликлар сифатида эслатиб, касалликларни даволашда уларнинг алоҳида қисмлари ёки бир неча ўсимлик таркибидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиққан. Ибн Сино тиббиёт фанини икки қисмга – назарий ва амалий қисмларга, касалликларни ҳам тана ва унинг аъзоларининг ҳолати ҳамда уларга етган шикастлар асосида икки турга – ички касалликлар ва ташқи касалликларга бўлган. Ибн Синонинг касалликларни аниқлаш ва даволаш ишидаги янгиликлари ва экспериментал усуллари уни янгича тиббиёт фанининг асосчиси сифатида дунёга танитди. Абу Али ибн Синонинг вафотидан кейин минг йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, у томонидан асос солинган илмий, фалсафий ва ғоявий мактаб Эрон ва жаҳондаги илмий доираларнинг диққат марказида бўлиб қолмоқда. Ибн Синонинг хулқ-атвори, илмий фаолияти ва тиббий амалиёти тўғрисида ҳам кўплаб маълумотлар мавжуд. У ўз даврининг йигирматадан ортиқ олимлари билан ёзишмалар ва илмий баҳслар олиб борган. Ўз асарлари ва маърузаларида олимларни ҳамда ўз шогирдларини барча халқлар орасида мавжуд бўлган хурофот, жоҳилона мутаассиблик, юзакилик ва иккиюзламачиликдан сақланишга, касалликларни даволашда илмий ва экспериментал усуллардан фойдаланишга чақирган. Ибн Сино оғир ва тузалмас касалларни ҳам даволар, қашшоқ касаллардан пул ва хизмат ҳақи олмас, касаллар ва уларнинг ҳамроҳлари билан мулоимлик ва меҳрибонлик билан муомала қиларди. Абу Али ибн Сино Эрон Ислом Республикаси халқи, жамоатчилиги ва илмий доиралари орасида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга бўлиб, кўплаб кутубхоналар, кўчалар, олий ўқув юртлари, мактаблар ҳамда бошқа

маданийгуманитар объектлар унинг номи билан аталади. Эронда ҳар йили ҳижрийшамсий йил ҳисобига асосланган эронча тақвимдаги шаҳривар ойининг биринчи куни (милодий йил ҳисобидаги тақвимнинг 23 августига тўғри келади) Ибн Синонинг туғилган куни ҳамда шифокорлар куни сифатида нишонланади. Ибн Сино тўғрисида келажак авлодларни хабардор этиш барчамизнинг вазифамиз эканлигини уқтирарканман, ўз сўзимни ушбу йирик тадқиқотчи ва тенгсиз донишманд табиб қаламига мансуб бўлган қуйидаги шеърий парча билан поёнига етказмоқчи эдим:

Эй кош бидонамий, ки ман кистамий,

Саргашта ба олам аз пайи чистамий?

Мазмуни: Ўзимнинг кимлигимни билсам қанийди, бу дунёда нима учун юрганимни билсам қанийди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хасанова, Г. Р., Усманова, М. Б., & Нажмитдинов, Х. Б. (2022). ВИТАМИНГА БОЙ ЛОВИЯ (PHASCOLUS) ЎСИМЛИГИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 333-336.

2. Хасанова, Г. Р., & Усмонова, М. Б. (2022). Применение фасоли (phascolus) в медицине. *Science and Education*, 3(11), 117-125.

3. Усманова, М., Эрназарова, М., Куйлиева, М., & Хасанова, Г. (2021). Дорихона фаолиятини ташкил этиш, дорилар саклаш чора тадбирлари. *Экономика и социум*, (11), 90(6).

4. Имамова, Ю. А., & Усманова, М. Б. (2022). РОДИОЛЫ РОЗОВАЯ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ ОРГАНИЗМА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 901-904.

5. Имамова, Ю. А., Усманова, М. Б., & РОДИОЛЫ, Р. О. (2022). Special Issue 4-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rodioly-rozovaya-dlyapovysheniyyarabotosposobnosti-organizma>.

6. Усманова, М. Б., & Имамова, Ю. А. (2022). ЛУК РЕПЧАТЫЙ– ПРИМЕНЕНИЕ В МЕДИЦИНЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 914-917.

7. Yuldashev, S., Halimbetov, Y., Usmanova, M., Naimova, Z. S., & Khamraeva, M. (2021). National Processes In Uzbekistan And The Formation Of The Internationalist Maturity Of The Younger Generation. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(06), 167-175.

8. Шкурова, Д., Усманова, М., & Имамова, Ю. (2021). Private technology of powders Preparation of powders with abrasives, dyes and hard powders, extracts and essential oils. *Экономика и социум*, (11), 90.

9. Sh, A., Kuylieva, M. U., & Usmanova, M. B. (2022). Application of phytotherapy in the treatment of chronic prostatitis.
10. Imomova, Y., Usmonova, M. B., Yo'ldoshev, S., & Ahmadov, J. (2021). DORIVOSITALARINING ZAMONAVIY TAHLIL USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 587-596.
11. Шкурова, Д., Усманова, М., & Имамова, Ю. (2021). Порошоларинг хусусий тухнологияси тузгучи, буёвчи ва кийин майдаланувчи моддалар, экстрактлар ва эфир мойлари билан порошоклар таййорлаш. *Экономика и социум*, 11, 90.
12. Usmanova, M. B. (2022). Geksikon shamchasini tayorlashda uning asosni almashtirish. *Science and Education*, 3(11), 213-220.
13. Qo'Yliyeva, M. U., Ernazarova, M., Usmonova, M., & Yu, I. (2021). CHILONJIYDA HAQIDA UMUMIY MA'LUMOT, TARKIBI, XALQ TABOBATIDA QO'LLANILISHI, XUSUSIYATLARI VA ULARNING HAR XIL TURLARI, O'STIRISH UCHUN SHAROIT. *Экономика и социум*, (11-1 (90)), 476-480.
14. Усманова, М., Эрназарова, М., & Қўйлиева М, Х. Г. (2021). Organization of pharmacy activities, measures for storage of medicines. *Экономика и социум*, 11, 90.
15. Хасанова, Г. Р., & Усманова, М. Б. Geksikon shamchasini tayorlashda uning asosni almashtirish. *SCIENCE AND EDUCATION*ISSN, 2181-0842.
16. Мархабо, М. У., & Зарпуллаева, Г. (2023). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ БИОХИМИИ. *Бюллетень педагогов нового Узбекистана*, 1(9), 61-65.
17. Усманова, М. Б., Саманова, Ф., Исройилова, Г., & Махаммадиева, С. (2023). БЕМОРЛАРГА ҚЎШИМЧА МУОЛАЖА СИФАТИДА МАССАЖ ҚАЧОН ВА ҚАНЧА МУДДАТГАЧА ҚЎЛЛАНИЛАДИ. *Бюллетень студентов нового Узбекистана*, 1(9), 35-38.
18. Усманова, М., & Зарпуллаева, Г. (2023). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ БИОХИМИИ. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 1(9), 53-57.
19. Usmanova, M. B., Jozilova, N. M., Saydazimova, H. B., & Mavlanova, N. O. (2023). TIBBIYOTDA YURAK XASTALIKLARINI DAVOLASHDA QO'LLANILADIGAN DORIVOR O'SIMLIKLAR. *Analysis of world scientific views International Scientific Journal*, 1(4), 105-109.
20. Ismoilova, M. Y. (2023). KORİANDRA O'SIMILIGINING TIBBIYOT VA GENIKOLOGIYADAGI AXAMIYATI: 1-SON 1-TO'PLAM IYUL 2023 yil. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 1(1), 218-222.
21. Usmanova, M. B., & Imamova, Y. A. (2023). AN UNDERSTANDING OF THE FORMULATION OF THE DRUG AND THE RELEASE OF THE ACTIVE SUBSTANCES OF THE DRUG. In *Горизонты биофармацевтики* (pp. 154-159).